



ABOUT PROFESSIONS OPINIONS OF TEACHERS AND SCIENTISTS

Odinayev¹, S.A.Kucharov²

¹Senior Lecturer, Termez Branch, Tashkent State Technical University named after Islam Karimov,

²Termiz State University, Master's Department, Theory and Methods of Teaching, 2nd year undergraduate

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898776>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Modern production, development of scientific technology, experience, knowledge, ability, skills, professional mobility, creative features, complex automatic processes.

ABSTRACT

The organization of career guidance courses in technology requires teachers to have high professional skills. They must have deep knowledge of student psychology, practical skills, new pedagogical and computer technologies, life experiences. The author expressed his views on the professions in terms of the views of pedagogues-scientists.

КАСБ-ҲУНАРЛАР ТЎҒРИСИДА ПЕДАГОГ-ОЛИМЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

Одинаев¹, С.А.Кучаров²

¹Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали катта ўқитувчиси,

²Термиз давлат университети магистратура бўлими таълим ва тарбия назарияси ва методикаси йўналиши 2-курс магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Замонавий ишлаб чиқариш, илмий техника тараққиёти, тажриба, билим, кўникма, малака, профессионал ҳаракатчанлик, ижодий хусусиятлар, мураккаб автоматик жараёнлар.

ANNOTATSIYA

Технология фанидан касб танлашга йўллаш дарсларини ташиқил этиш ўқитувчилардан юксак касбий маҳоратга эга бўлишни талаб қилади. Улар ўқувчи психологиясига оид билимлар, амалий кўникмалар, янги педагогик ва компьютер технологиялар, ҳаётий тажрибаларни чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Муаллиф касб-ҳунарлар тўғрисида педагог-олимларнинг фикрлари бўйича ўз фикрларини баён қилган.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари, алломалари деярли барча даврларда ўз асарларида, шеър ва ғазалларида, адабий

меросларида ҳалол меҳнатни, касб-ҳунар эгаллашни мукаддаслигини ва зарурлигини таъкидлаб, улуғлаб ўтганлар. Улуғ



бобоколониализм А.Навоий ўз ғазаларида ёшларни илм-хунар эгаллашга чақириб шундай ёзади.

Илм касбини қилди то жони бор.

Хунар ўрганди онга ки имкони бор.

Х асрда яшаб ижод этган улуғ бобоколониализм Абунасл Ал -Фаробий ҳам кишиларни ҳалол меҳнат қилишга ва касб-хунар эгаллашга чақиради. Фаробийнинг фикрича, инсон - "Ожиз банд", "Хеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот" эмас, балки у энг олий камолот бўлиб "Ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамманарсани яратишга қодир борлиқдир". Фаробий меҳнат ва касб –хунар кўникмаларини ахлокий фазилатларни ҳосил қилиш лозимлигини таъкидлаб: "Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Касб-хунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар ахлларида, одоб-ахлоқ, расм-русм, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиши уч инсондаги зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар шаҳарлар ўртасида назарий фазилат ва амалий касб-хунар фазилатлари бирлаштириш деган сўздир" деган эди. Касб-хунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида қомусий олим АбуАли Ибн Сино (980-1037) нинг асарларида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича болага ёшлигидан бирор касб-хунарни ўргатиш лозим. Бола касб-хунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг ўз касб-хунаридан ҳаётда фойдаланиш, яъни ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришга ўргатиш керак.

"Ёшларга илм бера бориб, уларга хунар ўргатмоқ муҳим маъсулиятли ишдир. Хунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай

ножўя ҳатти-ҳаракатлардан холи бўладилар", деб таъкидлади. Хунарли бўлишга чорланган насихатлари ҳозирги кунда ҳам муҳим қимматга эга:

Олтин олмагаину ўргангин хунар

Хунарни олдида ҳасдир олтин зар

Шарк, Марказий Осиёлик

мутафаккирлар ҳамда ўзбек марифатпарвар шоирлари ҳам касб-хунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида ўз асарларида қимматли маслаҳатларини қолдирганлар, бумерос ҳозирги кунда ҳам ёшларни касб-хунарга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга. Инсоният тарихий тараққиётида Шарқу - Ғарбда ҳам ёшларни касб-хунар эгаллашларига алоҳида эътибор билан қаралган. Уларни касб-хунар эгаллашларига оталик, устозлик маслаҳатларини, йўл-йуриқларини мунтазам бериб келганлар. Расман касбга оид маслаҳат идоралари асримиз бошларида пайдо бўла бошлаган.

Тарихий маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, касбга йўналтириш ишлари қадимдан шаклланиб келган. Касбга йўналтириш ишлари ҳам инсоният жамият тараққиётининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ва у ҳам жамият кабиўз ривожланиш тарихига эга. Табиийки, касбга йўналтириш касблар пайдо бўлишидан вадемак унга эҳтиёж юзага келишидан илгари пайдо бўлиши мумкин эмас эди.

Инсоннинг билим, кўникма ва қобилиятларини таххис қилиш билан боғлиқ касбга яроқлилик даражасини баҳолаш элементларининг пайдо бўлиш тарихи узок асрларга бориб тақалади. Эра мизгача бўлган III минг йилликдаёқ қадимги Вавилонда мизралар тайёрловчи мактабда битирувчилар синовдан ўтказиб борилган. Ўша даврлар билим даражасидан келиб чиқилганда касбий тайёргарлик кўрган мизра Месопатамия



цивилизациясида марказий ўринда шахс турган: у майдонларниўлчашни мумкинбўлиши, мусиқа асбобларида ижро услубини ваашула айтишни билган. Синов даврида унинг газламаларни, металлларни, ўсимликларни турларини билиши, шунингдек барчатўрт арифметик амалларни бажара олиш кўникмалари текшириб кўрилган. Кадимий Мисрда касбни эгаллашга даъвогарлар суҳбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи холи, билим савияси, ташқи кўриниши ҳамда суҳбатни олиб бориш қобилиятлари аниқланган. Сўнгра меҳнатқилиш, эшитиш сукут сақлаш қобилиятлари олов, сув ваўлим билан кўрkitиш воситасида синаб кўрилган.

Айтилишича, синаб кўриш ва танловдан ўтказишнинг бундайжиддий тизимини ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор ўзбошидан ўтказган. Ўқишдаи сўнг Грецияга қайтгач, у ўзи босиб утгансиновлар тизими асосида талабалар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилиятларга асосий эътиборни қаратган вабадий қилиб айтганда "Хар қандай ёғочдан ҳам меркурийни йуниб бўлмади"- деб хисобланган. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзинитуп ни и га ҳам алохида эътиборни қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий кўрсаткичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналар тавсияларига эътибор билан караган, хар бир янги талабани синчиклаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашга ва суҳбатдошлар билан бахслашишга ўргатган. Эрамизгача бўлган минг йилликда Хитойда хукумат амалдори касби ва мансаби кенг тарқалган. Мос равишда ушбу касбни танлашдаги дастлабки элементлар ҳам шу ернинг ўзида юзага келган. Бундай касбни эгаллашга

жазм этган ёшлар тантанаворлик руҳи билан суғорилган муҳитда давлат имтиҳонлари топширган. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда император ўзи белгилаган, ҳам ўзи синовдан ўтказган ва даъвогарларни саралаш кўп босқичли усулда амалга ошприлган.

"Одамлар - деб ёзган эди Афлотун – бир бирларига у даражада ўхшаш бўлиб туғилмайдилар уларнинг табиати ва қобилиятлари турлича бўлади. Шу сабабли барча вазифаларни амалга оширишда ўз табиий қобилиятларига мос равишдаги юмушлар танлаганда уни яхшироқ, тез ва кўпроқ даражада амалга ошириш мумкин бўлади. Афлотуннинг"Давлатчилик" асарида қандай амалдорни танлаш керак деган саволига Суқрот қуйидагича жавоб беради: "Энг ишончли, жасур ва имкониятлари кенгрок бўлган шахсларга кўпроқ эътиборни қаратиш: бундан ташқари нафақат олий табақадаги юқори маънавиятли инсонларни, балки шу даражадаги тарбия беришга лойик одамларни ҳам топиш лозим. Улар билимларни тез қабул кила олишларп ҳамда тез фикрлай олишлари, мустахкам хотирали, ўз фикрида қаттиқ турувчи ва барча муносабатларда меҳнаткаш инсонларни топиш лозим".

Касбга йўналтириш ишларининг плмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишга П.П,Блонский, А.С.Макаренко каби атокли рус олимлари муҳим хнсса кушгаилар. Улар ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларининг психологик-педагогик асосларни яратпшунинг кейинги тараққиёти учун шароит мрачно бердплар. Касбга йўналтириш ишлари политехник таълим, меҳнат таълими ва тарбияси билан ўзвий алоқадорликда олиб борилди. 30-йилларнинг бошларида касбий маслахат ва касбга



Йўналтириш Марказий лабораторияси фаол ташкилий ишларни олиб борди, 1932 йилга келиб бу турдаги бюрлар сони 54 тага етказилди. Бирок бу даврдаги касбга йўналтириш ишлари тараққиётига ўқувчилар меҳнат таълимига бўлган эътиборни сусайиб бориши салбий таъсир кўрсатди. Меҳнат таълимнинг бекор килиниши касбга йўналтириш ишларининг тухтаб қолишига олиб келди.

Ўзбекистан мустақилликни қўлга киритган йилдан бошлаб таълим тизимида туб ўзгаришлар руй бермоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг қабул килиниши натижасида халқ хужалигининг малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш тизими яратилмоқда.

Касб-хунар эгалари қадимдан эъзозланиб келинган. Бизнинг давлатимизда уларга нисбатан хурмат-эҳтиром ўзлгимизни англаш туфайли янада жамиятимизда билимдон, мустақил фикрловчи, юкори малакали, маънавийли, моҳир касб эгалари тобора кўпроқ талаб қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Қарор ва Низомларида мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда ва улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Шу билан бирга, тор соҳадаги касбдан аста секин кенг қамровли универсал касбга ўтиш муаммоси, ғояси илгари сурилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат ва касбий тайёргарлик сифатини янада яхшилаш, узлуксиз таълимнинг фаол методларини қўллаш, янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этиш, таълим ва тарбия бирлиги тамойилини собитқадамлик билан амалга ошириш лозим.

Шарқ мутафаккирлари таълимотида ўғил ва кизларга таълим ва тарбия бериш, уларга касб-хунар ўргатиш ғояси муҳим

ўрин эгаллайди. Қадимий анъаналаримизга биноан хунарманд ва касб, меъмор ва наққош, деҳқон ва чорвадор, тўқувчи ва нонвой устоз-шогирд муносабатларини амалга ошириб келмоқдалар. Доно ҳалқимиз «Устозидан ўзмаган шогирд - шогирд эмас», «Хунарли киши асло хор бўлмас», «Устоз отадек улуғ», «Таълим берган устозингдан айрилма» сингари мақолларни ижод этганлар ва фарзандаларининг баркамол бўлиб улғайишини орзу қилганлар.

Буюк комусий олим Абу Наср Фаробий касб-хунар тўғрисида илк фикрларини билдириб, қимматли маслаҳатлар берган, чунончи, таълим – сўз ва кўникмалар мажмуи, тарбия эса амалий малакалардан иборат иш - ҳаракат эканлигини, муайян касб-хунарга берилган, у билан қизиққан кишилар шу касб-хунарнинг чинакам шайдоси бўлишини айтган. Бу мулоҳазалардан англашилиб турибдики, касб-хунар инсоният учун азалдан жуда зарур ҳаётий восита бўлиб келган.

Буюк комусий олим сифатида барча ҳодисаларнинг моҳиятини илмий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилган шарқ мутафаккирларидан бири - Абу Али Ибн Синодир. Унинг педагогик-психологик қарашлари илмий асосда қурилган бўлиб, боланинг феъл-атвори ва тасаввурларини шакллантиришда умуминсоний ғоялар қўлланишини яратган ҳамда мураббий, ота-оналарга уни қаттиқ танжасосидан кўра, шахсий ибрат орқали вояга етказиш маъқуллигини кўрсатган. Мутафаккирнинг «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Уй хўжалиги», «Тиб қонунлари» асарлари мамлакатимиз халқлари одоб-ахлоқ психологияси ва табобат оламида алоҳида ўрин тутади.

Мутафаккирнинг меҳнатсеварлик тарбияси борасидаги фикрлари ҳам



диққатга сазовордир. Жумладан, у ҳар бир болани бирор хунарга ўргатмоқ шарт, дейди. Ёш йигит бирор хунарни ўрганса, уни ҳаётга татбиқ эта олса ва мустақил хунар туфай оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим, деб ҳисоблайди. Ўспирин хунар эгаллаши билан унда нафақат ахлоқий хислар, балки характернинг иродавий хислатлари ҳам таркиб топа бошлайди. Хунар эгаллаш орқали ўспиринларда сабрбардошлик, чидамлилик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, зукколик каби инсоний сифатлар шаклланади.

Ибн Сино ҳар бир инсоннинг миждидан келиб чиққан ҳолда унга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаши туфайли жуда катта амалий иш қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг фикрича, ҳар бир инсон фақат унга тегишли бўлган хусусиятларгагина эгадир, унга ўхшаган инсонлар камдан- кам бўлади. Ҳозирги даврда ҳам алломанинг фалсафий - психологик қарашлари, ижтимоий ҳаётимизда ўз қимматини йўқотгани йўқ. Унинг тарбия ва миждоз хусусидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шахслараро муносабатлар этикасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Олимнинг фалсафа, мантик, психология, сиёсий - ижтимоий фанлар бўйича бизга мерос қилиб қолдирган асарлари башарият учун дастуриламал сифатида хизмат қилади. Бу борада М.Г.Давлетшин ва К.Қ.Мамедовларнинг «Ибн Синонинг психологик қарашлари» (Тошкент Давлат Аграр Университети-2002 йил) рисоалари диққатгасазовордир. XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида инсон ва унинг ҳаётига оид қарашларини таҳлил қилган. У одамнинг Оллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга

келиши ва унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етиши аждоди ва келиб чиқишига, ҳаётда шуғулланаётган фаолиятига, атрофга нисбатан муносабатларига боғлиқлигини айтиб: «Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади» деб ҳисоблайди.

Истеъдодли шоир, етук тарихчи, мохир таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг ижодий фаолиятида ўғил ва қизларнинг ақлий, ҳиссий ва жисмоний имкониятларини ғоят зийраклик билан кузатган ҳолда, уларнинг феълатворини тезроқ билиб олиш, салбий ва ижобий сифатларини осонроқ аниқлаш, ёқимсиз хатти-ҳаракатларини бартараф этиш мумкин, деган хулосага келади. Огоҳий ўз давридаги касб-хунар соҳалари, халқ удум ва анъаналарига ўзининг қимматли фикрларини билдирган. У халқ анъаналари ҳамда урф-одотлари тўғрисида изоҳлар берар экан, турли касб усталарининг инсон камолотидаги аҳамиятини бирма-бир таърифлаб беради.

XII- XVI асрларда яшаб ижод этгин мутафаккир алломалар Жалолiddин Румий, Абу Райхон Беруний, Мир Алишер Навоий, Хоразмий ва бошқаларнинг асарларида, қўлланмаларида, фалсафий-психологик мулоҳазаларида турли касбларга оид дурга тенг бўлган фикрлар талайгина.

XX асрнинг етук маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг 1913 йилда ёзилган «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида бола тарбияси, унинг ижтимоий аҳамияти фалсафий-педагогик жиҳатдан тушунтириб берилган. Олим таълим ва тарбия жараёнида оила ва жамоатчиликнинг ўрни уларнинг ўзаро ҳамкорлигини улуғлайди. Унинг талқинига қараганда, баркамол шахснинг кўп қиррали билимларга эга бўлиши, яхши бир касб-корнинг сирларини



эгаллаши кўп жиҳатдан ижтимоий муҳит билан оилавий шароитнинг уйғунлигига боғлиқлигини таъкидлайди. Шарк мутафаккирларидан қолган қимматли маънавий бойликнинг ҳар бир сатрини очиб таҳлил қилганимизда уларнинг инсон камолоти, маънавияти ва меҳнатсеварлик хислатларига, болалар ва ёшларни баркамол инсонлар қилиб шакллантириш ва касб-хунарга ўргатишга тааллуқли ибратли, қимматли мулоҳазалар олса бўлади.

Халқимизда ажойиб бир одат бор: кишиларнинг бир-бири билан танишуви ҳол-аҳвол сўрашишдан, муомала маромидан бошланиб, касбхунарга, касб-корни аниқлаш истаги билан тугайди. Шу боисдан ҳар бир фуқаро «Дунёда қай аҳволда яшадим (ҳаёт ва фаолият изчиллиги), қандай ғаройиб ишларни (меҳнат маҳсулининг сифати, ўзининг мангуликка дахлдорлиги) амалга оширдим?». Ўз тақдиримдан (турмуш стратегияси ва тактикаси назарда тутилмоқда) хурсандманми? Олдимда турган вазифаларни (режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш, текшириш кабилар тасаввур этилади) амалга ошира олдимми, кўзлаган мақсадимга (мақсад кўзлаш, уни рўёбга чиқариш, омилкор воситалар танлаш ва татбиқ қилиш мажмуасига) эриша олдимми? Каби

саволлар туғилиши ва муаммоли масалалар келиб чиқиши табиий ҳол. Шунинг учун шахсни (бўлғуси касб субъектини) ўрганиш чоғида унинг таржимаи ҳолига (биографиясига) жиддий эътибор бериш, у билан пухта танишиш, қандай жамоат ишларида қатнашганлигини (статус, мавқе, роль, ташкилотчилик қобилияти тўғрисида маълумот олиш) ва шу кунгача эгаллаб келган лавозимини (касбий лаёқати, унга яроқлилиги хусусиятларини) диққат билан текшириш, у ёки бу амал курсисига лойиқлигини аниқлаш мақсадида унинг қобилиятларига (касбий, умумий кўринишларига) оқилона баҳо бериш талаб қилинади. Шу ўринда етук руҳият мутахассиси Жалолиддин Румийнинг қуйидаги ибратомуз фикрларини келтиришни жоиз деб билдик. «Сен ҳамма нарсани унутишининг мумкин, ёлғиз бир нарсани - нечун дунёга келгансан, шуни унутмасанг бас. Ўзингни арзон сотмагайсан, илло баҳойинг баланд». Ушбу жумлаларда тафаккур қилувчилар учун етарли маъно бор деб уйлаймиз.

Хулоса қилганда касб-хунарга тўғрисида педагог-олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб қадимдан бобо калонларимиз касблар тўғрисида алоҳида фикрлар билдиришганини кўришимиз мумкин.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Морева И.А. Педагогика среднего профессионального образования. Практикум –М. «Академия»-2008.
2. Подласый М.Л. Педагогика Новый курс учебник для студентов пед.вузов. В 2 кн К Т: Общие основы процесса обучения. – М.: ВЛАДОС, 1999. 124 с.
3. Кузнецов В.В. Введение в профессионально-педагогическую специальность: учеб. Пособие для студ. Высш. Учеб. Заведений / В.В. Кузнецов: ред. Л.Я.Петрунина.-М.: Изд.центр —Академия, 2007 – 176 с
4. Рогинский В.М. Азбука педагогического труда: -М.: Высш. Шк. 1990
3.И.Ф.Харламов. Педагогика. Минск, 2002.